Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 22 февраль, № 36 (3581) Сешанба

Долзарб мавзу

ФЕРМЕР

— бугунги кунда нафақат ер, балки қишлоқнинг ҳам эгаси, демак, иккаласининг тақдири унинг ўз ишига бўлган масъулиятига, тегишли билим, тажриба ва юқори малака билан йўғрилган фаолиятига боғлиқ

«Ҳозирги пайтда республикамизда 159 та қишлоқ тумани бор ва уларнинг ҳар бири учун фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ҳаётнинг энг муҳим талаби бўлиб турибди. Бу соҳада олдимиздаги асосий мақсад ҳам шундан иборат. Чунки эски колхоз ва совхозларнинг даври аллақачон ўтиб бўлганидек, бугунги ширкатларнинг ҳам даври ўтиб бормоқда».

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан учрашувидаги нутқидан).

Бундан 14 йил муқаддам, биласиз, тилимизда «фермер» деган сўз ҳам, «фермерлик ҳаракати» деган ибора ҳам йўқ эди. Фақат ўша кезларда хорижий мамлакатларда, аниқроғи, Африка давлатлари ва Кубада хизмат сафарида бўлиб қайтган айрим қишлоқ хўжалиги мутахассисларидан шундай эртакнамо гапларни эшитиб қолардик: «Ўёқда колхўз ва совхўзлар ўрнига фермер хўжаликлари ташкил этилган. Бир фермернинг ихтиёрида, масалан, нақ ўзимизнинг колхўзимиз экин майдонига тенг келадиган ери бор. Шунча пайкалда, нари борса, 6-10 киши ишлайди — барча юмушларни техника бажаради-да. Аммо биздагига қараганда 2-3 баравар кўп ҳосил олади. Энг зўри, улар ўзлари етиштирган ҳосилни қайта ишлаб, ундан тайёрланган маҳсулотга ҳам эгалик қиладилар. Шу боис фермер ҳам, унинг қўлида ишлайдиган деҳқон дегани ҳам бой — пўрим кийиниб юришади, бамисоли капиталистдек яшашади». Шунда, табиийки, ўзбек деҳқони бир тамшаниб қўяр, лекин шу заҳотиёқ оёғидаги чориқ этиги, эгнидаги қуроқ кийимбоши эсига тушиб, хижолат чеккандай ерга қарар, суҳбатдошидан холи бўлган чоғида «Эй, Худованди карим, бизга ҳам шундай кунлар насиб этармикан?» дея илтижо қиларди...

Бу — бор гап. Яна бир ҳақиқат шуки, бугун деҳқонларимизнинг ана шу илтижоси ижобат топиб, уларнинг орзуниятлари рўёбга чиқмоқда. Айни кунларда мамлакатимизда 85,5 мингта фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Агар 2001 йилда уларнинг сони 55 минг 400 та эканлигини ҳисобга олсак, ўтган давр мобайнида ушбу йўналишда дадил қадам ташлагани аён бўлади-қўяди.

Кейинги йиллар тажрибаси, айниқса, фермер хўжаликларининг ширкатларга нисбатан анча юқори рентабелли бўлиши ва зарар кўрмай фаолият юритишини яққол тасдиқлади. Фермерлик қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўринни эгаллаб, фермерларнинг ўзлари эса муҳим деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари, ҳатто уларни қайта ишлаш орқали тайёр неъматлар етиштирувчи асосий ишлаб чиқарувчига айланмоқда. Мисол учун, Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалигини олиб кўрайлик.

Ҳозирги кунда бу фермер хўжалиги жами 140 гектар ер майдонига эга. Ўтган йили унинг 100 гектарига чигит ва ғалла экилган эди. Якунда гектар ҳисобига 50 центнердан дон, 35 центнердан пахта йиғиштириб олинди.

Хўжаликда, шунингдек, 340 бош қорамол, 50-60 бош қўй ва 3000 тадан кўпроқ товуқ боқилмоқда. Бултур говмишлардан соғиб олинган салкам 800 тонна сут Исроилнинг «Марав» фирмаси технологияси асосида қайта ишланиб, ундан тайёрланган 12 турдаги сут маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилди. Бундан ташқари, бу ерда макарон, нон ва турли қандолат маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

2004 йил якунларига кўра, фермер хўжалигининг товар айланмаси 250 миллион сўмликдан ортиб, салкам 80 миллион сўм соф фойда қўлга киритилди.

Фермер хўжалиги раҳбари Имомали Назаров эса Олий Мажлис Сенатининг аъзоси этиб сайланди. Бундай юксак ишончдан руҳланган фермер жорий йилда янада юксакроқ марраларни эгаллаш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатмоқда.

Наманган вилояти Уйчи туманидаги «Икромбой» фермер хўжалигининг фаолияти ҳам мақтовга лойиқ. Бу фермер хўжалиги ҳар йили 80 гектар ердан мўл пахта ва ғалла ҳосили етиштириб келмоқда. Айни чоғда унинг Наманган шаҳридаги «Анварбек» кафеси, «Гулдаста» савдо дўкони, Уйчида эса «Соҳил» ошхонаси, макарон ва колбаса цехлари, ун тегирмони ҳам аҳолига хизмат кўрсатаётир.

(Давоми 2-бетда).

Коммунал соҳа:

ТУБ ЎЗГАРИШ ПАЛЛАСИ

Сир эмас, кейинги пайтларда мамлакатимиз шаҳарларида кўп қаватли уйларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар, жумладан, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти аҳолини қониқтирмай қўйди. Жойларда бу ҳақли эътирозларга сабаб бўлди. Президентимизнинг яқинда «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» қабул қилган қарори, шубҳасиз, коммунал соҳада туб бурилиш ясашни кўзда тутади. Шунинг учун ҳам халқимиз ушбу қарорни мамнуният билан қаршилади.

Қарорни ўқиб...

— Биз тўққиз қаватли уйнинг саккизинчи қаватида турамиз, — деди пойтахтимизнинг Чилонзор туманилик Бурҳониддин Бобоназаров. — Уйимизнинг лифти анчадан буён ишламайди. Шунинг оқибатида қўшни хонадонларда яшовчи қариялар ва ёш болали аёлларнинг уйига қийналиб чиқиб тушаётганини кўрганимда юрагим эзилиб кетади. Тўғри, муаммони айтиб, кўп жойга арз қилдик. Аммо бирортаси амалий ёрдам бермади. Ҳудуддаги уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбарларининг эса парвосига ҳам келмади. Президентимизнинг мазкур қарори нафақат кўп қаватли уйлардаги лифт муаммосини, балки бошқа коммунал хизматларнинг ҳам яхшиланишида катта туртки бўлади, албатта.

— Уйимиз тўрт қаватли, — деди Муборак шаҳрилик Тублимурод Тошев. — Йигирмадан ортиқ оила яшайди. Ичимлик сув масаласидаги узилишлар, уй томининг таъмирталаб ҳолдалиги бизни кўпдан буён ташвишга солади. Юртбошимизнинг ушбу қароридан кейин уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти жонланиб, шу каби муаммолар ўз ечимини топишидан умидвормиз.

— Шу пайтгача кўп қаватли уйларда яшовчилар бирор муаммо юзасидан мурожаат қилишса, албатта, расмиятчиликни четлаб ўтолмайди, — деб ёзади Самарқанд шаҳридан Эшмирза Нурматов. — Ваҳоланки, ривожланган мамлакатларда шундай муаммо туғилса, хонадон соҳибининг телефон орқали берган биргина буюртмаси кифоя қилади. Президентимизнинг тилга олинган қароридан сўнг, албатта, мамлакатимиздаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳам ўз ишини шу йўсинда ташкил этади. Бюрократик иллатдан қутуламиз. Айниқса, уй-жойлар яқин атрофидаги ҳудудларни техникавий ва санитария жиҳатдан яхши ҳолатда сақлаш, уй-жой фондини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ва ундан фойдаланиш масаласидаги УМШнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши келгусида коммунал хизматлар сифатини замон талаблари даражасига кўтаришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Худойберди ЭШМАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Даволаниш учун Германияга

Мамлакатимизда тиббий маданиятни ошириш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни ижтимоий ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида муҳим ишлар қилинмоқда. Бу борада хорижий давлатлар билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатилганлиги ижобий самара бераётир.

Айни пайтда "Соғлом авлод учун" жамғармасининг АҚШнинг "Смайл трейн" ҳамда ГФРнинг "Фриеденздорф Интернейшнл" халқаро ташкилотлари билан ҳамкорлик туфайли кам таъминланган оилаларнинг бемор болалари даволаниш учун хорижий мамлакатларга жўнатилмоқда. Куни кеча ҳам 6 нафар бемор бола даволаниш учун Германияга жўнатилди. Уларга кузатувчилик қилаётган жамғарма вакили бемор болаларни шифохоналарга жойлаштиргач, у ерда саломатлигини тиклаган 7 нафар ўзбекистонлик болаларни олиб қайтади.

М. ХОЛМАТОВА.

«Бухоротекс» ОАЖ механика заводи меҳнат жамоаси ўтган йили тўқимачилик дастгоҳлари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди.

Мактабларга ҳомийлик кўмаги

— 2004 йили корхонада жами 130 миллион сўм миқдоридаги 180 турдаги қўшимча қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, — деди корхона раҳбари Раҳмат Жўраев «Туркистон-пресс» мухбири А. Қудратовга.

Мазкур корхонада халқ хўжалиги истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига турли хизматлар кўрсатишга ҳам катта эътибор берилаяпти. Кўрилган даромад ҳисобидан корхона Бухородаги иккита мактабга ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқда.

ЯПОН ТИЛИ ВА ҲУҚУҚИ МАРКАЗИ

Ўзбекистон ва Япония ўртасида барча жабҳаларда, жумладан, қонунчилик ва ҳуқуқ соҳасидаги алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Бу борада Тошкент давлат юридик институти Японияниг Нагоя университети билан самарали ҳамкорлик қилаётир.

Мазкур институт ҳузурида Япон тили ва ҳуқуқи маркази очилгани бунинг яна бир далилидир.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизими соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидладилар. Қабул қилинаётган қонунлар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қиляпти. Бу йўналишда халқаро андозалар ва хориж тажрибасини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Янги марказ ана шу мақсадга хизмат қилади. Унда талабалар Кунчиқар мамлакат қонунчилигини ўрганиш, уни миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қиёсий таҳлил этиш билан шуғулланади. Япон тилини мукаммал ўзлаштирган талабалар Япония университетларида таҳсилни давом эттириши мумкин.

Марказнинг очилиш маросимида Японияниг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Юичи Кусумото иштирок этди.

Б.НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

МДҲ ранг-тасвирда

Замонавий санъат марказида Ҳамдўстлик давлатларидаги таниқли рассомлар Георгий Чиганов ва Григорий Шевяковларнинг "Бизнинг мерос" деб номланган бадиий кўргазмаси очилди. Ундан рассомларнинг ўтган асрда яратилган "Баҳорги юмушлар", "Бойсун", "Ўзбекистон саноати" туркумидаги "Гуллаётган боғ", "Мусаффо осмон остида", "Қизилқум саҳроси" ва "Шоҳимардон" деб номланувчи, шунингдек, Ўзбекистон одамлари ва табиати акс эттирилган 100 дан ортиқ асарлари ўрин олган. Бундан ташқари мусаввирларнинг Ҳамдўстлик давлатлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи "Украинадаги иморат", "Клайпеда.Рейд" ва "Энасойдаги қизил жар" каби тасвирий асарлари намойиш этилмоқда.

Қ. ХИДИРОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

Заминни, замонни яшнатар Наврўз!

Ўзбекистон умумхалқ байрам сайлига ҳозирлик кўрмоқда

Киш фасли ниҳоясига етай деб қолди. Бутун борлиқ уйғониш ва жонланиш тараддудида. Руҳиятимиз баҳорга талпинмоқда. Кўнгилларда баҳор ва гўзаллик тантанаси, яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўз соғинчи.

Мамлакатимизда ҳозирнинг ўзидаёқ бу ажойиб байрамни ҳосийишта, тинч ва улкан бунёдкорликлар шароитида, кенг кўламдаги шодиёналар ва халқ сайиллари билан, фарахли ва гаштли нишонлаш учун қизғин ҳозирлик бошлаб юборилди.

Байрам сайли — мамлакатимизнинг етти ёшидан етмиш ёшигача бўлган, жинси, миллати ва эътиқодидан қатъий назар барча кишиларнинг шоду хуррамлиги манбаидир.

Халқимиз байрам сайилларининг кўпдан-кўп қадимий анъаналарига эга. Гул сайли, қовун сайли, ҳосил байрами каби умумхалқ тадбирлари юртимизда асрлардан буён нишонлаб келинади. Биргина Наврўз сайилларининг ўзи мамлакатимизнинг турли минтақаларида нақадар гўзал миллий урф-одатлар ва анъаналар кўригига айланади! Наврўз тантаналари улоқ ўйини, кураш, дор, кўчқор уриштириш каби халқ ўйинлари , бахшилар, масхарабозлар, аскиячилар, кулгу усталари, қўғирчоқбозларнинг чиқишлари, халқ ансамблари, эстрада гуруҳларининг концертлари, театрлаштирилган томошалар, дошқозонлар атрофида ўлан ва лапарлар айтишуви, сумалак, ҳалим, кўк сомса ва бошқа хил баҳорий таомлар, пишириқлар савдоси билан безанади. Бу кунларда эътиборга, меҳр-мурувватга муҳтож кишилардан ҳолаҳвол сўралади, «Меҳрибонлик уйлари»да, шифохоналарда савобли тадбирлар ўтказилади ва ҳоказо...

Наврўз — ҳар бир хонадонда, маҳаллаларда, овуллар ва яйловларда, қишлоқлар ва шаҳарларда самимий, эркин ва кўнгилли умумхалқ шодиёналарига айланади. Она Ўзбекистонимиз айни кунларда ана шундай файзли-шукуҳли умумхалқ Наврўз байрамига ҳозирлик кўрмоқда.

Наврўз ҳайратомуз тақдири ва сеҳри-жозибаси билан одамзотни тинимсиз ўзига ошуфта этиб келмоқда. Ахир, ҳайратланмай бўладими? Унинг тарихи деярли одамзот тарихининг ўзи билан баробар, ғоятда кекса байрам. Айни пайтда, у ҳамиша келинчаклардай дуркун, гўзал, яшноқ ва навниҳол. У — ҳамиша мафтункор.

Солномалар мозийда ва яқин ўтмишда нишонланган қанчадан-қанча байрамлардан дарак беради. Аммо Наврўздай абадий яшаб ва яшнаб турган байрамлар унчалик кўп эмас. Мана шулар тўғрисида ўйлар экансан, яна қайта-қайта ўзингдан сўрагинг келаверади: бунинг сири, каромати нимада? Бундай саволларнинг жавоби, табиийки, ерда ҳам, кўкда ҳам эмас, балки айнан Наврўзнинг ўзида ва унинг эзгу мазмун-моҳиятидадир.

Наврўз айёми мамлакатимизда мустақиллик йилларида, айниқса, юксак қадрга ва эъзозга сазовор бўлди. Янада аниқроғи, халқимизнинг ўз мустақиллиги учун кураши, жумладан, собиқ шўро тузуми мафкураси сиғиштирмаган Наврўз айёмини қайта тиклаш, тағин уни миллий байрамлардан бирига айлантириш учун курашдан бошланганлигини унутиб бўлмайди. Наврўз мустақиллик шарофати билан, Президентимиз Ислом Каримовнинг қатъий иродаси билан юртимизга, ҳаётимизга ва маънавиятимизга қайтди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 22 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	842,28
1 Англия фунт стерлинги	2025,62
1 Дания кронаси	187,62
1 БАА дирҳами	291,48
1 АҚШ доллари	1070,51
1 Миср фунти	186,14
1 Исландия кронаси	17,31
1 Канада доллари	869,13
1 Хитой юани	129,34
1 Малайзия ринггити	281,75
1 Польша злотийси	350,68
1 СДР	1624,06
1 Туркия лираси	817,81
1 Швейцария франки	903,84
1 ЕВРО	1396,16
10 Жанубий Корея вони	10,46
10 Япония иенаси	101,28
1 Россия рубли	38,32
1 Украина гривнаси	202,02

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ФЕРМЕР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Келажакни аниқ тасаввур этган ҳолда иш юритиш, ҳисоб-китобларни оқилона йўлга қўйиш, шу орқали 95 нафар кишини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиб, уларни ўз ортидан эргаштира билишнинг натижаси шу бўлдики, ўтган йили фермер хўжалигининг соф фойдаси 40 миллион сўмдан ошди. Унинг раҳбари Икромжон Тожибоев эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланди. Бу ўз жамоаси, бутун туман аҳлининг қишлоқ тадбиркорига билдирган энг катта ишончи эмасми?

Бундай ишбилармон, фидойи фермерлар ҳозирда ҳар бир вилоят ва туманда борлиги барча-барчамизни қувонтирмоқда. Зеро, ўтган йили республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 10,1 фоиз ўсиб, салкам 5 миллион тонна бошоқли дон, 3,5 миллион тонна пахта хирмони уйилган экан, ана шу натижаларда айни фермерларнинг ҳиссаси салмоқли бўлгани ҳақиқатдир.

Бу, биринчи галда, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни изчил амалга оширилаётгани, жумладан, фермер хўжаликларига янги ҳосил ҳисобидан бўнак тариқасида тўғридан-тўғри кредитлар бериш тизими йўлга қўйилгани, биргина ўтган йили банклар томонидан уларга жами 68,8 миллиард сўмлик имтиёзли, яъни йиллик фоиз ставкаси 3 фоиздан иборат кредитлар ажратилгани, янгича тизим охир-оқибатда қишлоққа етказиб берилаётган ёнилғи-мойлаш материаллари, электр қуввати, минерал ўғитлар учун ҳисоб-китоб муаммосини тўла ечиш, деҳқонларга иш ҳақини вақтида тўлаш имконини берганининг самарасидир.

Бу Президентимизнинг «Фермер дегани — бу, аввало, универсал қобилиятга эга бўлган инсон. Халқимиз ибораси билан айтганда, бугун фермерга қирқ ҳунар ҳам оз» деган баҳоси нақадар ҳаётий эканлигининг ифодаси, онгу тафаккури ўзгарган фермерлар эса ана шу баҳога муносиб бўлишга азму қарор қилганларининг нишонасидир.

Бу «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунга ўзгартишлар киритилиб, унга кўра, ғаллачилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари ери камида 35-40 гектар, пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида 45-50 гектар бўлиши белгилаб қўйилганининг натижасидир.

Бу «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2001-2005 йилларга ва 2010 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган дастур»нинг ишлаб чиқилгани, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолияти такомиллаштирилганининг мевасидир.

Бу жаҳон бозоридаги нархнаво конъюнктураси ҳисобга олиниб, шунингдек, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва деҳқонлар даромадини кўпайтириш мақсадида ҳар йили пахта ва бошоқли дон экинларининг харид нархлари қайта кўриб чиқилаётганининг маҳсулидир.

Ва, ниҳоят, бу Президентимизнинг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги, 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари талаблари ҳаётга изчил татбиқ этилаётганининг амалдаги намунасидир.

Бироқ, шоли курмаксиз бўлмаганидек, бугунги кунда фаолият юритаётган фермерлар ичида ношудлари, фермер хўжаликлари орасида эса қолоқлари ҳам учраб турганига нима дейсиз? Улар ўзларига яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар, кўрсатилаётган ғамхўрликларга қарамасдан, шартнома режаларини барбод қилаётганликларини қандай изоҳлаш мумкин?

Республика Бош прокуратураси маълумотларига қараганда, масалан, 2004 йилда 9733 та фермер хўжалиги давлатга ғалла сотиш бўйича контрактация шартномасини бажармаган бўлса, 1561 таси эса умуман дон топширмаган. Оқибатда омборга 110 минг тонна дон тўкилмай қолди.

Ёки бўлмаса, бултур 12611 та фермер хўжалигида пахта тайёрлаш бўйича шартнома режаси адо этилмагани билан муроса қилиб бўладими?

Албатта, шартнома шартларини уддаламасдан, давлат манфаатига юзаки ва лоқайдлик билан қараган бундай фермерларга нисбатан қонун доирасида тегишли чоралар кўрилди. Хусусан, улардан ҳосил етиштириш ҳисобига берилган бўнак маблағи ундирилиб, тасарруфидаги ерлар қайтариб олинди. Чунки шартнома — қонун. Уни бажармаганларга жазо муқаррардир. «Айтайлик, ер бир йил ҳосил бермаслиги мумкин. Шундай ҳолатда унинг эгасини секин чақириб, сабабини аниқлаш лозим. Агарда ижарага олинган ер икки-уч йил узлуксиз ўз харажатини оқламаса, фермер уни қайтариб топшириши керак. Буларнинг ҳаммаси қонунда акс эттирилган. Фермерликни эплолмаганлар бориб бошқа иш топсин. Нега деганда, шуни ҳам айтиш керакки, дангасалар ҳеч қачон фермер бўлолмайди», — деб таъкидлади Президент.

Икром ЎТБОСАРОВ.

(Давоми бор).

Саломат бўлинг!

"ЭКОСАН" халқаро ташкилотида "Инсон саломатлиги ижтимоий-экологик ўлчамларда" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу анжуманда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилот вакиллари иштирок этишди.

Конференцияда "Сиҳат-саломатлик йили " давлат дастури буйича "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти билан бирга амалга ошириладиган тадбирлар, вилоятларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш борасида анжуманлар ташкил этиш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

М. ТОЖИЕВА.

Жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб берайлик

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён қилинган долзарб вазифалар Тошкент Ислом университети Маслаҳат ва Илмий кенгашларининг навбатдаги йиғилишида муҳокама этилди.

Анжуманда маърузада баён қилинган асосий ғояларни университет фаолиятининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, талаба ва ўқувчиларга тушунтириб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу мақсадда ишлаб чиқилган тадбирлар режасида Қонунчилик палатаси депутатлари, таниқли ҳуқуқшунос, иқтисодчилар иштирокида талабаларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий билимларини янада чуқурлаштиришга қаратилган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" мавзуида семинарлар, давра суҳбатлари ҳамда "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танлови ўтказилиши қайд этилди.

Шу билан бирга, талабаларнинг илмий салоҳиятини янада ошириш учун Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент ислом институти, Тошкент давлат педагогика университети билан ҳамкорликда "Илм истаб..." интеллектуал ўйини ҳамда "Шу азиз Ватан — барчамизники", "Дин ва қонун" каби мавзуларда илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Университетнинг "Зиё" студияси, "Ислом зиёси" газетаси, ахборот-таҳлилий бюллетени, "Зиё садоси" радиодастурларида тайёрланаётган юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, жамиятимиздаги фаровон ва осуда ҳаётни бузишга уринаётган ёвуз кучларнинг асл қиёфаси, ғаразли кирдикорларини фош этувчи туркум кўрсатув, мақола ва эшиттиришлар таъсирчанлигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг ғайриқонуний моҳиятини фош этишда соф исломий қадриятлардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган ва "Глобаллашаётган дунёда маърифий исломнинг ўрни" мавзуида ўтказиладиган давра суҳбатлари Юртбошимиз маърузасида қайд этилган масалаларга амалий жавоб бўлади, деб умид қилиш мумкин.

Шунингдек, Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан ҳамкорликда "Ислом гиёҳвандликка қарши" китобини нашрга тайёрлаш ва уни республика таълим муассасаларига тарқатиш ҳамда мазкур рисола асосида "Зиё" студиясида видеофильм яратиш режалаштирилган.

Н.АЗИЗОВА,
ТИУ илмий котиби.



Олтиариқликлар "Меҳнат қилган одам нафақат ўзининг, балки халқининг ҳам дастурхонини тўкин қилади", дейишади. Шунданми, қиш чилласида ҳам уларнинг дастурхони меваю сабзавотлар билан тўкин бўлади. Айниқса, келинчакнинг нозик бармоқларига қиёслагулик ҳусайни узумларини Олтиариқдан бошқа ҳеч қаерда учратмайсиз.

Қудратилла Тўйчиев боғида етиштирилган узумни ошласидан орттириб бозорда сотади. У етиштирган узумларининг таърифи юртимиздан ошиб мамлакатларига ҳам етган. Яқинда ана шу йигит савоб ишга қўл урди. Тумандаги «Юксаклик» маҳалласига гузар қуриб берди. Унда фуқаролар йиғини биноси, милиция таянч пункти, ҳакимлик пункти ва алоқа бўлимлари учун барча қулайликларга эга бинолар мавжуд. Бу ерда маҳалланинг икки ярим мингдан зиёд аҳолиси учун беминнат хизмат кўрсатилаётир.

СУРАТДА: тадбиркор Қудратилла Тўйчиев маҳалла аҳли даврасида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Уч эгизак — уч паҳлавон

Фарғона шаҳрининг Янги Турон кўчасида истиқомат қилувчи Хошимжон Обидов ва Садоқатхон Раҳматовалар оиласида қувончли воқеа рўй берди. Улар бир йўла уч эгизак, уч паҳлавон ўғилнинг ота-онаси бўлдилар.

Ҳасан, Ҳусан, Худобердиларни юртимизда фаолият кўрсатаётган «Нестле» қўшма корхонаси ўз ҳомийлигига олди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Заминни, замонни яшнатар Наврўз!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртбошимизнинг мустақилликдан олдин, 1990 йилдаёқ айтган қуйидаги сўзларини яна бир эслайлик: «Марказ ва жойларда ўтмиш сарқитларига қарши кураш никоби остида, асрлар бўйи қарор топиб келган халқ анъаналари, масалан, баҳор байрами Наврўзга доғ тушириш ва уни бекор қилишга бўлган уринишлар, уларнинг ўрнига ясама маросимларни, янги шаклдаги кийим-кечаклар ва бошқаларни тиқиштиришга бўлган интилишлар одамларнинг ғазабини қўзғатди. Ҳар бир миллат, элат, сони ва мавқеидан қатъий назар, ўз анъаналарига, тилига, маданиятига иложи борича кўпроқ ҳурмат ва эътибор билан қарашни талаб этишини таъкидлаб ўтиш лозим»

Шундай қилиб, Наврўз мустақиллигимиз арафасидаёқ юртимизда миллий тикланиш даврини бошлаб берган, одамлар қалбига янги замон нафасини олиб кирган қадам бўлди.

Мустақиллик йилларида эса, Президентимизнинг бир қатор фармонлари асосида Наврўз бутун элимиз севиб ва севиниб нишонлайдиган миллий байрам мақомига эришди.

Аслини айтганда, фикр қилинса, мамлакатимиз мустақиллиги ғоялари ва Наврўз тамойиллари ўртасида ажиб бир уйғунлик, ҳамнафаслик мавжудлиги яққол аён бўлади. Наврўз — борлиқнинг яшариши ва янгиланишига оқ фотиҳа берса, Истиқлол бутун бир мамлакатни ва халқни яшариш, янгиланиш ҳамда ривожланиш йўлига олиб чиқди. Наврўз ва Мустақиллик қадриятлари муштараклигини ҳозирги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган халқчил, инсонпарвар сиёсат, мамлакат ободлиги ва халқ фаровонлиги мақсадларига қаратилган бунёдкорлик ишлари, эзгу чора- тадбирлар ва саъй-ҳаракатлар ҳам яққол исбот этиб турибди.

Наврўз энг олийжаноб фазилатларни — меҳнатни, яратувчанликни, меҳр-мурувватни, шафқатни, савобни, бағрикенгликни улуғлайди ва шундай инсонийлик амаллари Наврўз айёми кунларида юртимизда кенг қўламда намоён бўлмоқда. Айнан Наврўз амаллари бугун Ўзбекистонда асл ҳаёт қоидаларига айланди.

Шу боисдан, Наврўз айёми мамлакатимизда ардоқланмоқда, қадди-басти ва қадри-қиммати йил сайин юксакларга кўтарилмоқда. Ўзбекистон бундан кейин ҳам Наврўз руҳияти билан яшайди ва равнақ топаверади.

Халқимиз кўкламнинг ажойиб, гаштли, сурурли умумхалқ сайиллари олдида турибди. Она заминимизда бутун бир ой давом этадиган Наврўз шодиёналари чинакамига кенг қўламдаги хурсандчиликлар айёмига, оммавий сайилларга, нашъу намоларга, тароватга бой эл байрамига айланиши учун жойлардаги ҳокимликлар, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, хўжаликлар, таълим даргоҳлари сидқидилдан катта ҳозирлик ишларини олиб боришлари лозим. Наврўз умумхалқ сайли дилларимизни, руҳиятимизни камалак ранг ёғдулари билан ёритиб туриши учун ҳамма имкониятларни ишга солишимиз зарур.

М. САФАРОВ.

ТЕКШИР-ТЕКШИР

Тадбиркорлар фаолиятига нохолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етди.

Ислом КАРИМОВ.

(Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан).

2003 йилнинг 12-13 июнь кунлари Олмаликдаги "Юлдуз" масъулияти чекланган жамиятда қисқа муддатли тафтиш ўтказилди. Текширув шаҳар солиқ идораси бошлиғининг буйруғи билан амалга оширилди. Буйрукда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш вилоят кенгашининг 2002 йил 10 августдаги қарори, хизмат кўрсатувчи банкнинг маълумотномаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги, 2002 йил 5 августдаги, 2002 йил 20 августдаги ҳамда 2002 йил 26 ноябрдаги қарорлари талабларининг бажарилиши бўйича тафтиш ўтказилаётгани баён этилган.

Текширувчилар ёнг шимариб ишга киришиб кетишди. Хато ҳам тезда топила қолди. Тошкент вилоят "Савдо" ҳиссадорлик компаниясидан сақлаш учун берилган жами 35640 дона «тушонка»нинг 19336 донаси ўзганинг мулкини камомад қилиш йўли билан талон-торож этилган экан.

Шу маълумот асосида Олмалиқ шаҳар прокуратураси 2003 йилнинг 19 июнь куни "Юлдуз" МЧЖ раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси, 3-қисми, "а" банди билан жиноий иш қўзғади.

"Юлдуз" масъулияти чекланган жамияти умумий овқатланишни ташкил этиш билан шуғулланади. Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчи-хизматчиларига пул ўтказиш йўли билан хизмат кўрсатади. Унинг раҳбари Мурот Рустуллаев ўша йилнинг 20 май куни пайчиларнинг умумий йиғилишида 99,75 фоиз овоз олиб сайланган.

"Текширув ноқонуний ўтказилди, — дейди М. Рустуллаев. — Текшируқ гапдан қочайлик-да, ҳужжатларга мурожаат қилайлик.

"Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик субъектларининг фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом"да қисқа муддатли текширишлар — текширувчи органлар томонидан бир иш кунида, хўжалик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишга алоқаси бўлмаган текшириш эканлиги айтилган. Лекин юқоридаги ҳолатда "Юлдуз" МЧЖда қисқа муддатли текшириш бир неча кун давом этган.

Тафтиш асосида жамият раҳбарларига нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Улар 18 миллион 294 минг 887 сўмлик ўзганинг мулкини камомад қилишда айбланган.

Тўғри, «тушонка» захира товар ҳисобланарди. Лекин унинг сақланиш муддати ўша йилнинг ноябрь ойида тугарди. Шунинг учун Тошкент вилоят "Савдо" ҲКнинг тавсиясига биноан 15 фоиз пулини олдиндан ўтказиш йўли билан уни сотишга рухсат берилганди. Шу ерда яна бир савол туғилади. Хўш, "Юлдуз" МЧЖ раҳбарлари бу пулни ўзлаштиришганмиди? Йўқ. 2003 йилнинг 6 июнь куни, яъни ҳали қисқа муддатли тафтиш ўтказилмасдан анча олдин "Юлдуз"чилар "Савдо" ҳиссадорлик компаниясига маҳсулот учун 19 миллион 340 минг сўм пул ўтказиб қўйишганди.

"Юлдуз" МЧЖ раҳбарларига нисбатан жиноий иш очилгач, терговчи жиноий ишни тўлақонли ёритиш учун ёрдам берувчи бошқа ҳолатларни аниқлаш ва қонуний баҳо бериш мақсадида "Гермес" хусусий кичик корхонасида қарама-қарши текшириш ўтказишни лозим топади.

"Тадбиркорлар фаолиятини эркинлаштириш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддасида: "Тадбиркорлар фаолиятини прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан текшириш субъекти бўлиб очилган жиноий иш асос бўлиши мумкин. Бунда фақат жиноий иш очилган фаолият тури текшириш объекти бўлиши мумкин. Бу ҳақда текшириш тайинлаш ҳақидаги қарорда кўрсатилиши керак" дейилган.

Юқоридаги жиноий иш очилишига "Юлдуз" МЧЖдаги тушонканинг сотиб юборилиши сабаб бўлган эди. Хўш, бунинг "Гермес" хусусий кичик корхонасига бирор алоқаси борми? Мутлақо йўқ. Унда нега "Гермес"да қарама-қарши текшириш ўтказилиши керак? Қани бу ерда мантиқ? Нега қонундан четга чиқилаяпти?

Тўғри, "Юлдуз"нинг раҳбари, бош ҳисобчиси ҳамда кассири "Гермес"да ҳам шу вазифаларни бажаради. Лекин бу "Гермес"да қарама-қарши текшириш ўтказиш тайинлашга асос бўлолмайди. Чунки "Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик субъекти фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомда ҳам, "Қарама-қарши текшириш ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги кўрсатма"да ҳам фақат жиноий ишга боғлиқ бўлган фаолиятни текшириш мумкинлиги кўрсатилган. Прокуратура терговчиси эса биз юқорида эслатган 2003 йилнинг 19 июндаги қарорининг 3 қисми "а" бандида "Гермес"нинг "Юлдуз" МЧЖ билан молиявий алоқалари тўлиқ тафтиш қилинсин, дейди. Наҳотки терговчи юқоридаги ҳужжатлардан бехабар бўлса?

Масаланинг қизиқ томони, терговчи қарорида "Юлдуз" МЧЖ ва "Гермес" ХКК ўртасидаги молиявий алоқалар текширилсин, дейилган бўлса-да, солиқчилар хусусий кичик корхонанинг бутун фаолиятини тафмиқдорда молиявий жаримага тортади. Лекин прокуратура терговчиси бу жазони етарли деб топмайди. "Гермес" ХКК раҳбари М.Рустуллаевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми билан иккинчи жиноий ишни қўзғатади. Шу билан бирга, кичик корхонада ҳужжатли тафтиш тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида"ги Қарорининг 1-банди, 4-қисмида "Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси, Марказий банк ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган муайян рўйхатга кўра алоҳида тоифадаги корхона, муассаса, ташкилотларда ўзининг иш фаолияти усули, хусусиятидан келиб чиқиб, назорат касса машиналари ўрнатмасдан аҳоли билан ҳисоб-китоб олиб бориши мумкин" дейилган. Ва бу рўйхатга ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар, шунингдек, вилоят марказидан узоқда ва чегарада жойлашган ҳарбий савдо объектлари киритилган. Юқорида тилга олинган ўқув маркази ҳарбийлашган, ИИВнинг захира кучи ҳисобланади. Унинг биносига ҳам махсус рухсатнома билан кириб-чиқилади.

Бундан ташқари, ўқув маркази ва "Гермес" ўртасида тузилган шартномада айтилишича, ошхона учун керак бўлган барча жиҳозлар, шу жумладан, назорат касса машина-

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Олий комиссар истеъфога чиқарилди

БМТ Бош котиби Кофи Аннан ташкилотнинг қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари Рууд Любберсни истеъфога чиқарди. У ахлоқсизликда айбланмоқда. Айни пайтда Любберс ўзига қўйилаётган барча айбловларни рад этди.

Кофи Аннан Любберс истеъфоси муносабати билан қилган чиқишида, қочоқлар муаммосини ҳал этишда кўрсатган хизматлари учун комиссарга миннатдорчилик билдирди.

Социалистлар ғалабаси

Португалияда бўлиб ўтган умумхалқ сайловларининг дастлабки натижаларига кўра мамлакатдаги мухолифатчилар — социалистлар партияси ғалаба қозонди. Энди ҳукумат тепасидаги социал-демократлар ўз ўрнини социалистларга бўшатиб берадиган бўлди. Парламентдаги 230 ўриндан 118 тасини мухолифатчилар эгаллашди.

Мамлакатнинг амалдаги бош вазири Педру Сантана Лопешнинг ҳукумат тепасига келганига бор-йўғи етти ой бўлганди. Социалистлар етакчиси, собиқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири Жозе Сократеш Португалия иқтисодиётида катта бурилиш ясашга ваъда бермоқда.

Маълумот ўрнида шу нарсани айтиш лозимки, Португалияда охирги уч йил мобайнида тўрт маротаба ҳукумат алмашди.

Режа тасдиқланди

Исроил Вазирлар Маҳкамаси Ғазо секторидан мамлакат ҳарбий кучларини олиб чиқиб кетиш режасини тасдиқлади. Ариэль Шарон ташаббуси билан ишлаб чиқилган ушбу режа охирги ойларда кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлганди.

Бундан ташқари, 17 нафар вазир яҳудий аҳоли пунктларининг Ғазо секторидан кўчириш режасини тасдиқлади. Беш вазир қарши чиқишди. Беш ойдан сўнг кўчириш ишлари бошланади. Мудофаа вазирлигининг ҳисоб-китобларига қараганда, кўчиш ишлари икки ойга чўзилади.

Музокараларга чақирди

АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс ва Япония ташқи ишлар вазири Нобутака Макимура Шимолий Корея ҳукуматини музокаралар столига қайтишга чақирди. Бироқ Шимолий Корея ҳукумати вакилининг сўзларига қараганда, расмий Пхеньян ҳатто, Вашингтон билан икки тарафлама музокаралар ўтказишни ҳам истамайди.

Ҳозирда Япония ҳукумати янги мудофаа тизими ишлаб чиқмоқда. Расмий Пхеньян Токионинг ушбу ҳаракатини душманона, дея баҳолади.

Дарёдаги фожиа

Бангладешдаги Буриганга дарёсида паром чўкиб кетиши оқибатида 55 нафар одам ҳалок бўлди. Ҳукумат тарафидан тасдиқланган маълумотларда айтилишича, паромда 200 нафар йўловчи бўлган. Қолган 145 нафар одамнинг тақдири ҳозирча номаълум.

Қутқарув гуруҳи раҳбари паром эгаси хавфсизлик қоидаларига риоя этмагани ва ортиқча юк олиши туфайли мазкур фожиа юз берганлигини таъкидлади.

Иш ҳақлари оширилади

Россия Бош вазири ўринбосари Александр Жуковнинг «Россия» телеканалига берган интервьюсида ҳукумат 2008 йилга бориб иш ҳақларини икки баравварга оширишни режалаштираётганлигини маълум қилди. Жуков ҳукумат бюджет маблағларини кўпайтириш йўлида ишлаб чиқарувчиларга кенг қулайликлар яратишга катта эътибор қаратишини таъкидлади.

Ядро соҳасида ҳамкорлик

АҚШ Жанубий Корея билан ҳамкорликда ядро энергияси соҳасида тадқиқотлар ўтказишни мўлжаллаяпти. Ушбу ҳамкорлик учун Оқ уй раҳбарияти 1,6 миллион доллар маблағ ажратди. Бу ҳақда Жанубий Корея Илм-фан ва технологиялар вазирлиги вакили маълум қилди.

ЕИ конституцияси испанлар муҳокамасида

Якшанба куни Испанияда Европа Иттифоқи конституциясини қабул қилиш юзасидан умумхалқ референдуми ўтказилди. Маълумотларга қараганда, мамлакат аҳолисининг 77 фоизи умумиттифоқ конституциясининг амалиётга жорий қилинишини маъқуллаб овоз берган. 17,4 фоизи эса бунга қарши чиққан.

Испанияда ўтказилган референдум натижалари охирги қарор эмас. Ҳали мамлакат парламенти томонидан умумиттифоқ қомуси тасдиқланиши лозим.

Мазкур масала юзасидан барча мамлакатлар 2006 йилнинг ноябрь ойига қадар кечиктирмасдан ўз фикрларини билдириши шарт.

Сувости кемаси ғарқ бўлди

Guardian газетаси тарқатган хабарда айтилишича, Британияга тегишли сувости кема Антарктида музликларида йўқолган. У автоматик тарзда бошқарилиб, музликлар тагида илмий тадқиқотлар олиб бораётган эди.

Autosub деб аталувчи ушбу қурилманинг баҳоси бир ярим миллион фунт стерлинг бўлиб, у охирги маротаба ўтган пайшанба куни тадқиқотлар марказига ахборот жўнатганди. Олимларнинг фикрича, у бутунлай сув остига ғарқ бўлган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

"ЗАМИН" ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ИПОТЕКА БАНКИДА БУГУНГИ КУНДА МАВЖУД БЎЛГАН ОМОНАТ ТУРЛАРИ

	Омонат тури	Омонат номи	Муддати	Фоиз ставкаси (йиллик фоиз)	Изоҳ
1.	Талаб қилиб олингунча омонат			10%	1000 сўмдан юқори
2.	Жамғарма омонат	"Авто"	1 йилдан 3 йилгача	10%	
3.	Жамғарма омонат	"Ипотека"	Капитализация ҳисобидан		
			1 йилдан 3 йилгача	33%	1000 сўмдан юқори
			3 йилдан 5 йилгача	34%	1000 сўмдан юқори
4.	Жамғарма омонат	"Нуроний"	1 ойдан 12 ойгача	21-32%	20 000 сўмдан 240 000 сўмгача
5.	Муддатли омонат	"Замин"	3 ойлик	28%	1000 сўмдан юқори
			6 ойлик	30%	1000 сўмдан юқори
			12 ойлик	32%	1000 сўмдан юқори
6.	Муддатли омонат	"Оптима"	1 йилгача	22,5%	"Олдиндан фоиз тўлаш" 100 000 сўмдан юқори
7.	Муддатли омонат	"Эгасига тақдим этилувчи"	3 ойга	28%	100 000 сўмдан 1 000 000 сўмгача

Барча омонатлар фуқароларнинг банкдаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР
Micros®
CAS
Биз бутун жаҳонни ўлчаймиз
КАФОЛАТ МУДДАТИ 2 ЙИЛ
Ҳар қандай кўринишдаги электрон ТАРОЗИЛАР
Товар сертификатланган
— САВДО УЧУН
— ЕРГА ЎРНАТИЛАДИГАН
— КРАНЛАР УЧУН
— ЛАБОРАТОРИЯ УЧУН
— МАХСУС ПЛАТФОРМАЛИ
— ОМБОРХОНА УЧУН
— АВТОМОБИЛЬ ВА ТЕМИР ЙЎЛ ТАРОЗИСИ
e-mail: scales@ucd.uz web-site: www.ucd.uz
700060, Тошкент, С. Азимов кўч, 72а
Тел.: (371) 133-85-77, 120-68-61
132-06-61; факс: (371) 132-06-85
Мовароуннаҳр кўч, 19
Тел.: (371) 133-53-79

Кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, турли савдо ташкилотлари диққатига!

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбек ипаги» ва «Ўзбекчармпойабзали» уюшмалари сизларни навбатдаги «Баҳор-ёз 2005» енгил саноат маҳсулотлари сотиш мавсумий ярмаркасига лутфан таклиф этади.

Ярмаркада баҳор ва ёзги матоларнинг кенг ассортименти, сочиқлар, гилам, тикув-трикотаж ва чинни маҳсулотлари ва бошқалар намойиш этилади.

Ярмаркалар 2005 йил 22-25 февраль кунлари Самарқанд, Қарши, Наманган, Урганч ҳамда Тошкент шаҳридаги ҳудудий улгуржи савдо ярмаркаларида ўтказилади. Қуйида ярмаркалар ўтказиш манзиллари келтирилган:

№	Шаҳарлар	Ярмарка номи	Манзили
1.	Тошкент	«Ўзбекенгилсаноат» ДАК биноси	Бобур к., 45-уй
2.	Самарқанд	«Баҳор» МЧЖ	Мирзо Улуғбек к., 17-уй
3.	Қарши	«Уринов Ҳусниддин Наргиза» МЧЖ	Ўзбекистон к., 184-уй
4.	Урганч	«Урганч универмаги»	Ўзбекистон к., 2-уй
5.	Наманган	«Лола» савдо мажмуи	Бобуршоҳ к., 17-уй

Барчангизни ярмаркада фаол иштирок этишга, узоқ муддатли бизнес алоқалар ўрнатишга ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни доимий равишда ассортиментни янгилашда ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишда қўллаб-қувватлашга таклиф этамиз.

МАЪЛУМОТ УЧУН АЛОҚА ТЕЛЕФОНИ: 115-29-41.

Барча қурилиш ташкилотлари диққатига !

«Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сирдарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази

2005 йил манзил дастурлари бўйича қуйидаги объект учун танлов савдолари эълон қилади:

Сардоба тумани аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, 2-босқич.
Буюртмачи — Сирдарё вилояти ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.
Манзил: Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй. Телефон: (8-3672) 27-63-85.

Қурилиш ишлари давлат маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: омборида қурилиш материаллари ёки объект қийматининг камида 20% айланма маблағи бўлиши, бундай маблағ бўлмаган ҳолатда ана шу миқдорда банк кредит бериши мумкинлиги ҳақида кафолатнома мавжудлиги, зарур техника ва мутахассисларнинг мавжудлиги, ўхшаш объектлар қуриш бўйича тажрибага эга бўлишлиги, шартнома тузиш ҳуқуқига эгалиги.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сирдарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига сўровнома билан эълон чоп этилгандан сўнг 30 кун давомида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй. Тел./факс: (8-3672) 27-64-84.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 60000 сўм.

Оферталар юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва уларни тақдим этишнинг охирги муддати — танлов комиссиясининг шу объект бўйича йиғилиш ўтказиладиган куни ва соати.
Танлов савдолари эълон чоп этилгандан 30 кундан кейин ўтказилади.

Бўлди ажаб ҳангомалар

«ЎЙИНИ»

Сиси билан ҳам ўқув маркази таъминлаши керак эди. Лекин ўқув маркази шартнома мажбуриятини бажармаган. Шу ўринда диққатингизни яна бир далилга қаратамиз. Юқорида тилга олинган пуллар мутлақо "Гермес" ХКК раҳбарлари ва ошхона хизматчиларининг қўлидан ўтмаган. Милиция ўқув маркази ўқитувчи зобитлари ва курсантлар маошлари ҳамда стипендиялари чиққунга қадар қарзга овқатланишган, рўзғорларига керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам ошхонадан олиб туришган. Ўқув марказида маош тарқатилганда эса, марказ кассири ошхона ходимлари берган рўйхатга асосан бу пулларни йиғиб олган ва "Гермес" ХКК марказий кассасига топширган. Сўнг квитанцияларни "Гермес" раҳбарларига олиб келиб берган. "Гермес" хусусий кичик корхонаси шу квитанциялар асосида давлатга солиқ тўлаган. Бу ерда нақд пул айланмаси бўлмаётгани, даромадни солиқдан яшириб қолиш имконияти йўқлиги шундай ҳам кўриниб турибди-ку.

"Гермес" раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблардаги жавобгарлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандини бузишда ҳам айбланган. Фармоннинг юқоридаги бандида республика ҳудудида бартер операцияларини амалга ошириш таъқиқланган. Лекин Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 497-моддасида республика ҳудудида мол айрибошлаш мумкинлиги қайд этилган. Президент Фармони 1996 йилнинг 9 августида қабул қилинган, Фуқаролик Кодекси эса 1997 йилнинг 1 мартидан кучга кирган. Амалдаги қонунларга биноан, икки ҳужжатдаги моддалар бир-бирига зид келиб қолса, кейин қабул қилингани устувор ҳисобланади.

Яна бир гап. Прокуратура "Гермес" раҳбарларини бартер операцияси туфайли қасддан солиқни яширганликда ҳам айблаган. Албатта, қасддан яширган дейиш осон. Лекин қасддан ёки билмасдан солиқ тўлашдан қочишнинг мезони борми? Бор бўлса қандай ҳолатда қасддан дейилади-ю, қандай ҳолатда солиқ қонунларини билмагани учун дейилади? "Гермес" ХКК бир неча йил давомида боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож ногиронларга ўз фойдаси ҳисобидан бепул тушлик овқат бериб келди. У республикада шундай хайрия кўрсатган ягона хусусий кичик корхона ҳисобланади. Бир йил давомида бу хайрия иши учун корхона 2 миллион 100 минг сўм маблағ сарфлади. Нахотки шундай хайрли ишга қўл урган корхона даромадини яшириб, солиқ тўлашдан қочса? Бу ерда мантиқ қани? Қайси ақли бор одам солиқ тўлашдан қочиб, жиноятга қўл уради-да, яширган солиғи ҳисобидан бировларга ёрдам кўрсатади? Кейин унинг жабрини тортиб юради. Бирор бир қарорга келишдан олдин, менимча, бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керак.

Бундан ташқари, "Гермес" ХКК 2003 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ялпи даромад тушумидан 414424 сўм 72 тийин, 2003 йил 1 июль ҳолатига кўра эса 2 миллион 546270 сўм ошиқча солиқ тўлаган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 129-моддаси, 1-қисмида "Солиқ тўловчи солиқлар ва йиғимларни ортиқча суммада тўлаган тақдирда, агар унинг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмаса, бу суммалар солиқ тўловчига унинг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичида қайтариб берилади ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади", дейилган. Яна шу кодекснинг 133-моддасида, солиқ ва йиғимларнинг бирон тури бўйича ортиқча тўланган суммалари бошқа тур бўйича боқиманданинг ўрнини қопласа, солиқ тўловчи солиқлар ва йиғимларни тўламаганлик ёхуд тўлиқ тўламаганлик учун жавобгарликдан озод қилиниши айтилган.

Шу икки модда нуқтаи назаридан олиб қараганда ҳам, "Гермес"ни даромадни яшириб, солиқ тўлашдан қочишда айблаш мантиқсиз эканлиги кўринади.

Биз мақоламиз бошида "Юлдуз" МЧЖ томонидан «тушонка» маҳсулоти келтирилгани ва бу маҳсулот сотилгани учун масъулияти чекланган жамият раҳбарларига нисбатан жиноий иш қўзғатилганини, бу эса "Гермес" ХКК да бир неча марта тафтиш ўтказилишига сабаб бўлгани ҳақида айтган эдик. Қарангки, Олмалиқ шаҳар прокуратураси катта терговчиси Ш. Ҳусанбоев имзо чеккан айблов хулосасида ҳам, "Гермес" раҳбарлари устидан бўлиб ўтган суд жараёнида ҳам ўша «тушонка» масаласидаги жиноят ҳақида ломмим дейилмаган. Нега?

Шу ерда савол кетидан яна бир савол туғилади. "Гермес" ХКК назорат касса машинаси ўрнатмасдан савдо қилиб қонунни бузгани учун (агар бузган бўлса) шаҳар солиқ инспекцияси уларга 544 минг сўм жарима солган ва бу жаримани ундириб олган эди-ку. Шундан кейин ҳам яна жиноий иш қўзғашга асос бормиди? Битта иш учун неча марта жазолаш мумкин?

Прокуратура ходимлари жиноят деб ҳисоблаган юқоридаги ҳолатларнинг бари "Гермес" ХККда содир этилган. Лекин терговчи 2003 йилнинг 25 сентябрь куни М. Рустуллаевни "Юлдуз" МЧЖ раҳбари лавозимидан четлатиш тўғрисида қарор чиқарибди. "Юлдуз" МЧЖ директори ўринбосари Л. Султонова эса директорни лавозимидан четлатиш ўрнига бўшатиш тўғрисида буйруқ бераяпти. Амалдаги қонунларда фуқаронинг жиноятчи эканлигини фақат суд аниқлаши белгиланган. Лекин ҳали М. Рустуллаев устидан қўзғатилган жиноят судда тасдиғини топмасдан "Юлдуз" МЧЖда директорликка сайлов ўтказилиб, бошқа одам раҳбарликка сайланмоқда. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Энди шу йил бўйича 2003 йилнинг 7 ноябрь куни бўлиб ўтган суд жараёнига икки оғиз тўхталсак. Айблов хулосасида "Гермес" ХКК раҳбари М. Рустуллаев, бош ҳисобчи Р. Шевцова ва "Юлдуз" МЧЖ бош ошпази Д. Бабаматовага нисбатан Жиноят Кодексининг бир неча моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилгани айтилган. Суд ҳукми билан М. Рустуллаев ва Р. Шевцовага нисбатан жазо тайинланган. Д. Бабаматова иши алоҳида ажратиб олингани ёки бошқа бирор сабаб билан қолдирилгани ҳақида ҳеч гап йўқ.

Суд ҳукмининг бошроғида: "Суд мажлисида судланувчи сифатида сўроқ қилинган Рустуллаев М. С. ўз айбига **мутлақо иқрорлик билдирмай...**", охирроғида эса, "... судланувчилар Рустуллаев М. С. ва Шевцова Р. Д. ларга жазо тури ва миқдорини тайин этишда уларнинг **ўз айбларига иқрорликларини ва қилмишларидан пушаймонликларини...** инобатга олиб...", дейилади. Бу гапнинг қайси бири тўғри?

Суд ҳукм чиқаришда асосан солиқ инспекцияси ходимлари кўргазмаларига асосланган. Лекин асосий гувоҳлардан бири Олмалиқ шаҳар давлат солиқ инспекцияси шўъба мудири Умида Шерматованинг бизга ёзиб берган тушунтириш хатида таъкидланишича, икки суд мажлиси чақирилган, биринчисида фақат И. Маткаримов кўргазма берган, ундан ҳеч ким ҳеч нарса сўрамаган, иккинчи суд мажлисида ҳам худди шундай бўлган.

Лекин суд ҳукмида унинг гаплари ҳаводан олиб келтирилади. Нахотки Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган ҳукмда бемалол тахминни ёзавериш мумкин бўлса. Энг қизиғи, Тошкент вилоят суди ҳам бу жиноий ишни икки марта — ҳам кассацион, ҳам назорат тартибида кўриб чиқди. Лекин шунча чалкашликлар бўлишига қарамай, нимагадир, ҳукмни ўз кучида қолдирди.

2004 йилнинг 16 июль куни Жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар суди ҳам ушбу ишни кўриб чиқди ва қўшимча терговга қайтарди. Жорий йилнинг 14 январь куни эса Олмалиқ шаҳар прокуратурасининг терговчиси О. Айляров томонидан Мурат Рустуллаев ва Раиса Шевцова ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги учун тўхтатилди.

Ҳақиқат қарор топди! Лекин қанча вақтдан кейин? 2003 йилнинг июнидан буён М. Рустуллаевнинг бормаган жойи, кирмаган идораси қолмади. У қанча моддий зарар кўрди? Унга етказилган маънавий зарарни эса ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Хўш, уларни энди ким тўлайди? Уни ишга тиклаш масаласи-чи? Инсон тақдирига шунчалик лоқайд қараш мумкинми?

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

«Ватан ғурури» танловига

БЕШ ЗАРБА

Қорақалпоқ ва Хоразм заминида Аёзқалъа ҳамда Аёзхон ҳақида бир неча афсона бор. Улардан бирини устоз шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов сатрларга жойлаган. Ўша шеърда «қалъани ёв қамал айлагани», «душманнинг мард лашкарбошиси» ҳар бир аёл ўзи кўтарганча нарсани олиб кетишига ижозат этилгани айтилади. Ва ниҳоят:

Тугиб молин, тишлаб
олиб оғзига,
Болаларин қўлларига
олишди

«Ўлганингдан омонлигинг
дуруст-ку,
Чиқ бўйнимга, қани,
ўтир болажон!»

Деб эрларин
миндиришиб бўйнига
Барча аёл чиқиб кетди
қалъадан...

Айнан шу гўзал қорақалпоқ аёли мард Маманбийни, оқил Ойдўсни, жасур Ерназарни, сўзга чечан Жиян Жиров, Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақни, Курбонбой жиров ва Жапақ бахшини, Саполоқ полвон Шомуродовни туққан эди. Саполоқ полвон Марказий Осиё бўйлаб нуфузли беллашувларда даврага чиқиб, умри давомида бирор марта кураги ерга тегмаган. Унинг издоши Сотволди Милтиқбоев ҳам қорақалпоқ полвонларининг шухратини олис-олисга таратиб, айни кунда ўлкада спортни ривожлантиришга жонкуярлик қилмоқда.

Мустақиллик қорақалпоқ спортининг кенжа авлодига жаҳон шоҳсупалари сари йўлни кенг очиб берди. Алишер Авезбоев, Бахтиёр Нуруллаев, Бўтакўз Баятанова, Фозилбек Ўрозимбетов, Мурот Болтаниёзов ва бошқалар эришган ғалабалар наинки Қорақалпоғистон, балки бутун мустақил мамлакатимиз спорти шуҳратига шуҳрат қўшди. Айни чоғда Қорақалпоғистонда яна бир машҳур спортчи яшайдики, унинг номи миллатимиз фахрига айланган Муҳаммадқодир Абдуллаев, Рустам Қосимжонов, Артур Григорян, Миржалол Қосимов, Ирода Тўлаганова ва бошқалар қаторида тилга олинади.

Бу кикбоксинг бўйича Европа, муай-тай бўйича 5 карра жаҳон чемпиони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби, Еркинбой Куттибоевдир. У айни кунда қитъамизнинг энг кучли спортчилари сирасига киради.

Нукуслик қурувчи Менглибой оға ва Набира опа ҳамма қатори 5 фарзандини оқил, меҳнатсевар, билимга ташна қилиб тарбияладилар. Набира опа врач бўлгани учун болаларининг спорт билан шуғулланишларига алоҳида эътибор берди.

— Айниқса, тўнғичим Еркинбой болалигидан бошлаб спортга шўнғиб кетди, — дейди чемпионнинг онаси. — Албатта, шифокор сифатида дастлабки даврда унга бир қатор маслаҳатлар берганман. Чунки жисмоний тарбия машғулотларини овқатланиш, дам олиш билан уйғун олиб бориш талаб этилади. Ўғлим олис ҳудудларга кетганида она сифатида ҳаяжонга тушаман. Бироқ бир нарсадан кўнглим тўқ. Еркинбойнинг йиллар давомида ўрганган «кун тартиби» бор. Ҳозир ҳам у эрталаб соат 6.00 да туриб югуради, машқ қилади. Нонушта қилиб, ишга кетади. Тушликдан бир-бир ярим соат олдин яна машқ қилади. Биласизми, мен онаси бўлганим учун икки нарсага қаттиқ қувонаман. Биринчиси — спортчи бўлиб эл номини улуғлагани. Иккинчиси — меҳрибон инсон бўлиб етишгани. Яхши спортчи бўлиш мумкин. Яхши инсон бўлиш эса ҳамманинг қўлидан келавермайди!

Спорт шоҳсупалари альпинистлар йўл олган баланд чўққиларга ўхшайди. Бу машаққатли сафарга отланган киши қайси йўллару сўқмоқлар орқали чўққига чиқишини билмайди. Худди шунингдек, 12 ёшида эркин кураш билан шуғулланганида мураббийлар ундан забардаст курашчи чиқишини башорат қилишган эди. Киев муҳандислик-қурилиш институтида ўқиб юрганида кикбоксинг билан шуғулланди. «Барча йўллар Римга олиб боради» деган ибора бор. 1994 йили қорақалпоқ ўғлони Рим шаҳрига бориб Европа қитъасининг энг кучли кикбоксингчиси деб тан олинди.

Якка курашнинг таиландча муай-тай тури Ҳинди Хитой ярим оролида асрлардан-асрларга, наслардан-наслларга ўтиб келмоқда. Еркинбой спортнинг ана шу турига қизиқиб маҳорат чўққиларини бирма-бир забт этди. Бунда чемпионга мураббийлари Замирбек Қосимжонов, Раҳматжон Рўзиқуловлар яқиндан ёрдам бердилар. 1995 йили Е. Куттибоев Таиланд Қироллиги пойтахти Бангкокка отланди.

— Бангкок аэропортида самолётдан чиққанимда ўзимизнинг юртга ўхшаш ва ноўхшаш жиҳатларни ахтардим, — дейди Еркинбой. — Бундай жиҳатлар эса оз эмас экан. Масалан, бизнинг Нукус — Амударё соҳилида, Бангкок — Менам-Час-Прая дарёси қирғоғида жойлашган. Фақат Бангкокнинг аҳолиси бизнинг шаҳар аҳолисидан ўн беш-йигирма баравар кўп. Энг муҳими, Бангкок порт сифатида халқаро аҳамиятга эга. Таиландда шоли оқлаш корхоналари бисёр. Бизнинг Қорақалпоғистонда ҳам бундай заводлар оз эмас. Аммо Бангкокда кемасозлик заводлари асосий тармоқни ташкил этади. Таиландда спортга, айниқса, улар учун мерос бўлиб қолган муай-тайга қизиқиш катта. 1995 йили Бангкокда биринчи марта жаҳон чемпиони шоҳсупасига кўтарилдим. Кейинги йили «Қирол кубоги»ни қўлга киритдим!

Биринчи зарба, биринчи ютуқдан кейин Еркинбой янада жиддийроқ ҳаракат қилиб 1997, 1998, 2002 йилларда ҳам муай-тай бўйича жаҳон чемпиони даражасини ўзида сақлаб қолди.

2004 йилнинг 5 ноябрида Еркинбой яна Жануби-Шарқий Осиёга йўл олди. Айримлар унга «тўрт карра чемпион бўлдинг, ана шу обрўйинг билан даврингни суриб юравермайсанми? Нима қиласан, ўзингни қийнаб» дейишди. Бу гапларга у мийиғида кулиб қўйди-да, Таиландга учиб кетди. Бешинчи зарба ҳам салмоқли бўлди. Чемпионлик камари бешинчи марта қорақалпоқ «йўлбарси»га насиб этди. Қайтиб келганидан сўнг йигирма кун ўтгач, ёруғ юз билан Тошкентга, Оқсаройга, мамлакатимиз Президенти ҳузурига борди ва уни юксак мукофот «Ўзбекистон ифтихори» унвони билан табриклашди. Буни у ўз ҳаётидаги «Энг қувончли воқеа» деб баҳолайди.

Еркинбойнинг алпона кучқуввати билан мамлакат байроғи хорижий кураш майдонларида беш бора ҳилпиради. Ҳали яна ҳилпирайди. Энг муҳими, Еркинбой фақат ўзини ўйлаётгани йўқ. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими директори сифатида Оролбўйида юзлаб Еркинбойлар, юзлаб Муҳаммадқодирлар, юзлаб Қосимжоновларнинг тобланишига бош-қош бўлмоқда. От изини той босганидек, укаси Адилбой Куттибоев кикбоксингда муайян ютуқларга эришмоқда. Элдошлари Еркинбойни Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесига депутат, қилиб сайладилар. Машҳур спортчининг олдида ҳали ёруғ-ёруғ манзиллар кўп...

Яқинда чемпионнинг ҳаётида яна бир катта воқеа рўй берди. Ватандошлари Еркинбойни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига сайлашди. Биз олийжаноб инсон, ажойиб спортчига янада юксак парвозлар тилаймиз!

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ — 2005

Спорт

Чемпионлар беллашуви

Бугун пойтахтимизда футбол бўйича мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган Тошкент халқаро турнири бошланади. Турнир ҳомийси «SILK ROAD» фирмаси.

Ўзбекистон футбол федерацияси ва «Пахтакор» клуби ташаббуси билан ташкиллаштирилган мазкур мусобақада Латвиянинг ўн тўрт карра чемпиони «Сконто», Арманистоннинг етти карра чемпиони «Пюник», мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор», кумуш медал совриндори «Нефтчи», Ўзбекистон олимпия ҳамда Беларусь ёшлар терма жамоаси иштирок этаяпти. «Евро — 2004» баҳсларида мухлислар эътиборини қозонган латвиялик Михаил Землинский, Михаил Михолап, «Пюник» тўпурари Эдгар Манучарян, Галўст Петросян ва бошқа номдор футболчиларнинг қатнашаётганлиги, албатта беллашувларнинг муросасиз ўтишини таъминлайди. Учрашувлар «Пахтакор», «Жар» ва МХСК стадионларида ўтказилади.

Кеча «Ўзбекистон» меҳмонхонасида уюштирилган матбуот анжуманида турнир ташкилотчилари ва мураббийлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар, ушбу халқаро турнирнинг анъанавий бўлиб қолишига умид билдирдилар.

Биринчи учрашув бугун «Пюник» ва Ўзбекистон олимпия терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтади. Мусобақа ғолиби номи 1 март куни маълум бўлади.

Олимп чўққисини кўзлаб

Маданият ва спорт ишлари вазирлигида мураббийлар малакасини ошириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Маълумки, ҳозир барча жойларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам янги Олимпиада циклига тайёргарлик бошланди. Агар ўтган Олимпиада ўйинларида қатнашишимизни таҳлил қиладиган бўлсак, бошқа мамлакатлар федерациялари билан алоқани яхши йўлга қўйган, амалиётни замонавий ўқув тавсияномалари билан ҳамкорликда олиб борган бокс эркин ва юнон-рум кураши федерацияларгина яхши натижаларга эришдилар.

Тадбирда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Россия терма жамоаси бош мураббийси, уч карра жаҳон чемпиони, Атланта Олимпиадаси совриндори Сергей Верлин ўз жамоасида олиб бораётган ишлар,ўқув-методик қўлланмаларни амалиётга татбиқ этиш масалалари бўйича ўртоқлашди, иштирокчилар саволларига жавоб қайтарди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр ва кўмир билан ишлайдиган сув иситувчи қозонлар ишлаб чиқаради ва сотади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., Кангли к., 16-«А» уй.
Телефонлар: 8 (371-71) 54-791, 54-062, 8 (371) 100-99-05.
e-mail: harakat_2004@mail.ru
Кафолат 2 йил.
Маҳсулот сертификатланган.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига! Товар сертификатланган

«ГАЗ-31105»

«ВАЗ-2106»

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.
Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

«ИЖ-2717»,

«ГАЗЕЛЬ»

Ҳурматли юртдошлар!
Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банки
Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА – замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади!

«АСАКА» БАНКИНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ - БУ:
- Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- Автокредитларга тез ва осон пул тўлаш.
- Ҳар ойда ўртача ойлик қолдиққа 2% даромад тўлаш.
- Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.
- Харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- Барча турдаги карточкаларда суғурта қилиш кўзда тутилган.

ASAKA BANK

БУНДАН ТАШҚАРИ, «АСАКА» БАНКИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Миллий валютадаги омонатлар

6 ойдан 1 йилгача	28% йиллик
1 йилдан 3 йилгача	26% йиллик
3 йилдан 5 йилгача	28% йиллик
"Орзу" (камида 3 ой)	28% йиллик
"Наврўз" (2 ойга)	32% йиллик
"Табассум" (45 кунга)	32% йиллик
"Мадад" (1 йилга)	30% йиллик
"Умид" (камида 3 ой)	30% йиллик
"Тақдим этувчига" (камида 3 ой)	31% йиллик

Хорижий валютадаги омонатлар

1 йилгача	3% йиллик
1 йилдан юқори 1000 АҚШ долл. дан 5000 АҚШ долл. гача	4% йиллик
5000 АҚШ долл. дан юқори	4,5% йиллик

Шунингдек, «Асака» банки қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун депозит қутичаларини ижарага беради.



Маълумот учун телефонлар:
120-83-14, 120-39-18, 144-56-55
125-50-26, 120-84-07

«Асака» банкининг пластик карточкалари – бу жуда қулай, ишончли ва самаралидир!

Корхоналар раҳбарлари диққатига!
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга жавоб берувчи сифат бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 349-қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида
«MANAGEMENT CONSULTING» КОМПАНИЯСИ
6 кунлик «ИСО 9001:2000 халқаро стандартига мос келувчи сифат бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» курсига таклиф этади.
Куре 2005 йил март ойининг бошида «Ҳамалак» пансионати (Оқтош)да ўтказилади.
Қўшимча маълумотлар билан қуйидаги телефонлар орқали танишишингиз мумкин: 136-14-09, 154-66-98.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Театр ижодкорлари уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти
Ориф АЛИМАХСУМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси вазирликнинг Халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Ўрозали Тошматовга отаси
Гофур ТОШМАТОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректори Азиз Тўраевга акаси
Умаржон ТЎРАЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси «Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий қонунчилик» кафедраси катта ўқитувчиси
Гўзал Ренатовна АБДУРАЗЗАКОВАнинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат техника университети жамоаси Бизнес бошқарув факультетининг «Маркетинг» кафедраси доценти Муборак Ботирбековага волидаи муҳтарамаси
Муҳаббат ая ИБРАГИМОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 162. 32737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.30 23456